

---

## Данғара тумани Фавқулодда вазиятлар бўлими ходимлари муносиб тақдирланди

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ташкил топганлигининг 28 йиллиги муносабати билан Данғара тумани Фавқулодда вазиятлар бўлими ходимлари муносиб тақдирланди.

Тадбирда сўз олган туман ҳокими бўлимнинг шахсий таркибини касб байрами билан қутлаб, туман бўлимида юрт тинчлиги ва осойишталиги йўлида фидокорона меҳнат қилаётган хизматчиларга алоҳида миннатдорлик билдирди.

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ташкил топганлигининг 28 йиллиги муносабати билан Данғара тумани Фавқулодда вазиятлар бўлимида фаолият юритаётган соҳа фидойиларига туман ҳокимлигининг ташаккурномаси ва эсдалик совғалари топширилди.

---

2024-03-06 08:34:55